

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Хайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
проф. Ахмад Чориев
филол.ф.д. Хўжамурод Ҳабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғасев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 маротаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қариш шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 16.09.2022 йилда берилди.
Босишга 16.09.2022 йилда рухсат
этилди. 24.09.2022 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 10,0 босма табоқ.
Адади 100 нусха. Буюртма № 477
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қариш шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2022 йил №4 сон (50)



2022 йил «Юртимизда инсонга
эътибор ва сифатли таълим
йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонқуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUHAMMAD SODIJXO‘JA GULSHANIYNING "TA‘RIXI HUMOYUN" ASARIDAGI G‘UZOR BEKLIGI TARIXIGADOIR MUHIM MA‘LUMOTLAR

У.Қ. Эргашев,
Иқтисодиёт ва педагогика университети нодавлат таълим
муассасаси мустақил изланувчиси.

Ключевые слова: Муҳаммад Содикхўжа Гулшаний, фарсах, Маччи, Киришик амлоклиги, Кетмончопти-тепа, Куҳитанг, "наҳри азим" (Катта дарё), "Наҳри калон" (Катта наҳр), "Наҳри хурд" (Кичик наҳр), "Руди калон" (Катта дарё), "Руди хурд" (Кичик дарё), "вохтамғали", "ҳардури", "бий", "ғунда", "рутайло".

Бухоро амирлигининг йирик маъмурий бирликлари жойлашган Қашадарё воҳасидаги бекликлар (ёки вилоятлар) тарихи XIX – XX бошларида ёзилган бир неча тиллардаги манбаларда ўз аксини топган. Хусусан, бу давр ёзма манбаларида воҳадаги йирик маъмурий бирликлардан бири – Хузор (Ғузор) беклигига доир ҳам муҳим маълумотларга дуч келишимиз мумкин. Айниса, Бухоро амирлиги муҳитида яратилган форсий ва туркий тилли тарихий асарлар, рус ва боша тилларида ёзилган элчи, дипломат, шаршунос, савдогар, сайёҳ ва ҳоказо каби европалик муаллифлар аламига мансуб асарларда ўзур беклигининг географик жойлашуви, чегараси, бошарув маркази – шаҳар ва унинг ўргони, табиати, аҳолисининг сони ва этник таркиби, хўжалик турмуш тарзи ва ҳоказоларга доир маълумотлар у ёки бу даражада ўз ифодасини топган.

Жумладан, шундай муаллифлардан бири Муҳаммад Содикхўжа Гулшаний ўзининг 1909 йилда ёзган "Таърихи Ҳумоюн" асарида Бухоро амирлигидаги кўплаб вилоятлари ҳаида анчагина кенг тўхталган бўлиб, муаллиф Хузор (ўзур) ҳаида ҳам бирламчи маълумотларни келтириб ўтган. Форс-тожик тилида ёзилган ушбу асар Ж. Нарзиев томонидан кириш сўзи билан бирга факсимильеси (асл нусха фотоси) келтирилган ҳолда нашрга тайёрланган бўлиб, 2006 йилда Душанбе шаҳрида чоп этилган[1]. "Таърихи Ҳумоюн"да Хузор беклиги (вилояти) аҳолиси бўйича берилган маълумотлар ўрин олган бўлиб, уларни уйидаги сарлавҳалар остида кўриб чиамиз.



Хузор беклигининг чегаралари

Хузор беклигини "вилояти Хузор" шаклида келтирган Муҳаммад Содихўжа Гулшанийнинг ёзишича, Бу вилоят Ҳисор тоғларининг кириб келишининг бошланишида жойлашган бўлиб, бу ердан Бухорои шарифгача бўлган масофа 23 фарсах (1 фарсах тахминан 8,9–9,5 км.) дир. Унинг таъкидлашича, вилоят Бухоронинг шарий томонига тўғри келади. Хузорнинг шарий чегаралари Маччи тоғигача чўзилган бўлиб, Бойсун вилоятининг шимолидаги Кетмончопти-тепа тоғигача бориб таалади. Хузорнинг жануби Киришик амлоклиги (амлок – кичикро туман миёсидаги маъмурий бирлик, яъни бир неча ўнлаб ишлолар бирлиги) ва Қуҳитанг тоғигача, шимоли Яккабоғ беклигигача, ғарби эса Янги-кентга туташ. Муаллиф Янги-кентни Қарши вилоятига арашли амлоклик сифатида эслатиб ўтади[2:95].

Хузор беклигининг маркази

Ушбу вилоятнинг бошарув маркази Хузор шаҳри бўлиб, Гулшаний шаҳар марказидаги ўргонга катта эътибор аратган. Муаллиф Хузор вилоятининг ўргони – алъаси адимий бинолардан бири бўлиб, Афросиёб урдирган бинолардан бири эканига урғу беради. Унинг ёзишича, шаҳар ўргони "наҳри азим" (Катта дарё) бўйида жойлашган бўлиб, бу дарё уни уч томондан шар, жануб ва ғарбдан ўраб туради. Қўргон учта дарвозали бўлиб, бу ердаги бозор расталари анчагина бўлиб ва бир атор карвонсаройларга эга, бу ерда савдо-соти жуда ривожланган. Қўргон ичида иккита жомеъ ва ҳайит масжиди ҳамда олтига беш ват намоз ўиланадиган кунлик масжид жойлашган. Шаҳар атрофида 35 та масжид ва учта мадраса бор[3:99] "Таърихи Ҳумоюн"да айд этилишича, Хузор шаҳри ўргони атрофида ва шаҳар ичкарасида адимий тарихий иморатлар ва зиёратгоҳлар кўп. Бу ерларда машҳур авлиёлари мазорлари бўлиб, улар орасида энг машҳурлари Миржанданд деб аталади[4:102].

Муаллифга кўра, Катта-дарёнинг сув манбаси Пил тоғидан бошланиб, Маччи ва Канталага етиб борса, Кичик-дарёнинг сув манбаси Оработдан бошланади. Қизиғи шундаки, бу ва уйида кўриб чиладиган аҳоли масканлари номи ХХ аср бошларига ойда Бухоро амирлиги Қушбеги ҳужжатларида ҳам шу ва шунга яин номлар билан айд этилган[5:298–299]. Масалан, асарда тилга олинган ишлолар – Одаҳана ва Белибойлидан ўтиб, Тангиҳарам ва Гумбулоа етиб келган бўлиб, муаллиф ушбу икки дарё Хузор ҳокимиятига яинида, бир фарсах масофадаги Қушулуш (Қўшилиш) мавзесида бирлашишини айд этади. Шу ўринда "Таърихи Ҳумоюн"да "Белибойли" топонимини асар ношири "Байлибойли" шаклида ўйган бўлиб, ушбу жой номининг асл шакли биз келтирган шаклида бўлганини бир атор далиллар тасдилайди.



Биринчидан, "Таърихи Ҳумоюн"нинг ўлғамасида бу ном (Белибойли) кўринишида ёзилган[6:122]. Иккинчидан, ҳозирги кунда ҳам Деҳонобод туманида Белибойли деган ишло мавжуд[7:56].

Шунингдек, муаллиф Ҳузор ўргонининг шарида бир фарсах масофада ишлолар жойлашиб, Ҳузор дарёсининг суви у ерларга етиб бориши, аҳоли бу ерни Ҳатламаташ деб аталишига тўхталиб ўтади.

Ҳузор беқлигининг маҳаллий аҳолиси

Муаллифнинг ёзишича, Ҳузор ўргони ва унинг атрофида аҳолининг барчаси "атроқи ўзбақи кўчак", яъни туркий кўчманчи ўзбеклардан иборат бўлиб, беқликка арашли ишлоларда ўтовларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланувчи бир атор ўзбек уруғлари истиомат илишган. Шунингдек, ўзурга арашли ишлоларнинг бир анчасида иккита уруғ кўпчиликини ташкил этиб, улар "ўнгирот" ва "ҳардури" деб номланиши ва улар иккита дарё бўйида яшашларига тўхталган Гулшаний ушбу дарёлардан бири "Наҳри калон" (Катта наҳр) ва "Наҳри хурд" (Кичик наҳр) деб аталишини таъкидлайди. Муаллифнинг айд этишича, "атроқи ўнгирот", яъни ўнгирот турклари шеvasида ушбу дарёлар "Руди калон" (Катта дарё) ва "Руди хурд" (Кичик дарё) деб аталади [8:100].

Шунингдек, муаллифнинг ёзишича, "ўнгирот" уруғи ир минг хонадондан, ҳардури уруғи эса йигирма минг хонадондан ташкил топган бўлиб, ўнгиротлар ўзбек, ҳардурилар эса тожик ҳисобланади. Унинг ёзишича, ўнгирот уруғи вақллари ўйчивон, ҳардурилар эса деҳончилиқ билан шуғулланишади [9:100].

Шу билан бирга, муаллиф ушбу вилоят аҳолисининг сони ҳаида уйидагича: "Ҳузор вилояти етмиш минг хонадондан иборатдир. Қир минг хонадон ўнгирот, йигирма минг хонадон ҳардури, ўн минг хонадон шаҳар ичи атрофидаги аҳоли вилоят аҳолисини ташкил этади" деб ёзган бўлиб [10:102], бу раамлар бирмунча муболағали бўлиши мумкин. Яъни аҳолининг этник таркиби ва уруғ бўлиниши бўйича Гулшаний келтирган маълумотлар боша манбалардаги маълумотлар билан унчалиқ ҳам мос келмайди. Чунки, Ҳузор вилоятида ўнгиротлардан ташари ўзбекларнинг "сарой", "овчин", "баташ" каби уруғлари вақллари ҳам яшаб, улар "92 бовли ўзбек уруғи" рўйхатида жой олган[11:137-147] йирик уруғларга мансуб бўлишган. Шунга арамай, XX аср бошларида ушбу вилоятда, айниса, унинг бугунги Деҳонобод исмида ўзбекларнинг ўнгирот уруғи вақллари кўпчиликини ташкил этган бўлиб [12:17-18], муаллиф шу жиҳатга кўпро эътибор аратган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, тожик тилли аҳоли ҳам Ҳузор вилоятининг тоғлиқ ҳудудлари аҳолисининг сезиларли бир исмини ташкил этгани маълум.



Бундан ташари, Гулшаний айд этган "ўн минг шаҳар ичидаги аҳолиси"нинг Хузор шаҳрида яшаган ҳамда асосан ўзбек ва исман тожиклардан ташкил топган аҳоли бўлиб, ўзбек тилида сўзлашган аҳоли ўзларини бирор уруа мансуб деб билмайдиган, ҳунарманд, косиб, савдогар, зиёли, диний тоифа вакиллари ва ҳоказолардан иборат бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Гулшаний айрим ўзбек уруғларининг кичик тармоларидан ҳам хабардор бўлган кўринади. Унинг ёзишича, Белибойли мавзеси аҳолиси ўнгиротлардан иборат бўлиб, улар "айчили" тўпи деб аталади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Гулшаний асарини нашр илган тадиотчилар бу сўзни "айчили" эмас, "абчили" шаклида ўйганлар [13:102]. Биро асарнинг ўлғзмасида бу ном ани илиб, ??? ? (Қайчили) кўринишида ёзилган [14:122]. Қўнгиротларнинг "вохтамғали" тармоғининг "айчили" номи тўпи (кичик тармоғи) мавжуд бўлиб, уларнинг авлодлар ҳозирги Деҳонобод туманида яшайдилар. Китоб туманидаги Қайчили ишлоғи аҳолисининг ота-боболари кенаси уруғининг "айчили" тармоғига мансуб бўлган [15:352]. Туркий халларнинг бир нечасида "айшили", "айсили" деган уруғлар мавжуд бўлиб, ушбу уруғларнинг тамғаси "айчи" шаклида бўлганлиги учун шундай ном олган, деб араш мумкин.

Аҳолининг маиший турмуш тарзи

Гулшаний Хузор вилоятининг шарий томонлари тоғлик ҳудуд бўлиб, бу тоғларда маъдан конлари кўплиги, аҳоли ушбу маъданларда ишлаб оҳак ва туз, ўрғошин ва мумиё азиб олиши, оҳак Қўшулуш тоғида, туз маъдани Хомкон тоғида, ўрғошин маъдани Тан ёки Танг [16]. (аслида Куҳитанг) ва Карикон тоғлари ҳамда Киришик (аслида Гуршак [17:40, 298-299].) мавзесида [18]., мумиё Куҳитанг тоғида учрашини айд этган бўлиб, Гугирдак тоғида олтингугурт маъдани мавжуд бўлган, Гуршак амлоклиги аҳолиси эса ўрғошин азиб олиш билан шуғулланишган [19:100].

Гуршак амлоклиги аҳолиси Хузор ҳокимиятига бож тўлаб турган. Муаллифга кўра, Хузор тоғларида деҳончиликка мос унумдор ерлар мавжуд бўлиб, тоғдаги дараларда ҳам лалми, ҳам суғориладиган экинлар етишади. Тоғлик ҳудуддаги сойлар бўйида унумдор жойлар кўп бўлиб, ҳардурилар деҳончиликда ниҳоятда моҳирдирлар. Ҳардуриларнинг деҳончиликдан боша шуғулланадиган касбнинг ўзи йў. Ушбу уруғ вакиллари орасида бой одамлар учрайди.

Биро улардан фарли ҳолда ўнгиротларнинг барчаси бой-бадавлат инсонлар кўп. Ушбу уруғ вакиллари орасида ўн минг - ўн беш минг ўйга эга чорвадор бойлари бўлса, камбағаллари юз - икки юз ўй ва эчкига эгадир. Улар лалми жойларга эга бўлиб, бундай жойлардан моҳирлик билан фойдаланишади. Қўнгиротларнинг ҳар камбағалининг



хонадонда 100–200 оп деҳончилик маҳсулотлари муҳайё туради. Улар бундай маҳсулотларни "ўр" деб аталадиган чуурда салайди. Бундай жойларда маҳсулотлар яхши саланиб, анчагача бузилмасдан туради. Шунингдек, ўнғирот туркларидида сут маҳсулотлари кўплаб топилади.[20:101].

"Таърихи Ҳумоюн"да алоҳида тилга олинмишича, Ҳузор тоғларидаги аҳолининг камбағал атлами тоғда етишадиган арча дарахтларидан кўмир тайёрлаб, Ҳузор ва Қарши шаҳарларидаги бозорларга олиб бориб сотиш орали кун кўришган. Муаллифнинг таъкидлашича, "камбағалларнинг кўпчилиги ватини бекорчиликда ўтказиб, кўмир сотиш билан кун кечирса-да, ўзларини бой-бадавлатдек кўрсатишга тиришадилар" [21:101]. Шу билан бирга, муаллиф ўнғирот уруғи катта уруғ бўлиб, хайрли инсонлар эканлиги, давлат хазинасига улардан сон-саносиз тушум тушиб туриши, ўнғиротлардан олинадиган закот мўл-кўллиги билан машҳурлиги, улардан йиғиладиган закот бир миллион тангани ташкил этиши, ўнғирот уруғи вакилларида чин илм толиблари ҳам ниҳоятда тў яшаши, ҳардури уруғи аслида илм аҳли бўлмасдан, уларнинг масжидларидаги имом-хатиблар ўнғирот жамоасига мансублигини эслатиб ўтади [22:101].

Гулшанийнинг тилга олиб ўтишича, Ҳузорда ов ҳайвонлари кўп бўлиб, бу ерда овчилик кенг таралган. Атрофдаги ўнғирот уруғи вакиллари овчилик билан шуғулланиш касаллигига мубтало бўлишган ва бундан боша нарсани ўйламайдилар. Ҳузорда ҳашаротларнинг турлари кўп бўлиб, улар орасида ўргимчакнинг заҳарли турлари учрайди. Аҳолининг кўпчилиги улардан катта зарар кўрадилар.

Муаллифнинг ёзишича, маҳаллий аҳоли заҳарли ўргимчакларга арши дуоларни яхши биладилар. Дуо ўйишганда ўргимчакнинг заҳри айтиб чиади ва ўргимчакнинг ўзи ҳалок бўлади. Ўргимчакни ўзбеклар "бий" дейишса, форсийлар "ғунда", араблар бўлса "рутайло" дейдилар [23:102].

Муаллифнинг ёзишича, Ҳузор вилоятига арашли жойларда жайра кўп учрайди. Ҳузор дарёси ниҳоятда шўрдир. Хомкон мавзесидаги туз конларидаги тузни дарё орали Ҳузорга олиб келишади. Кичик-дарё ва Катта-дарё сувлари шу тузлар оибатида шўр бўлиб кетади. Ҳузордаги ҳокимият марказидан бир ярим фарсах масофадаги Тангиҳарам мавзесидан Кичикдарё оиб ўтаётганда суви эса ниҳоятда шириндир [24:102].

Хуллас, шу пайтгача тарихий манба сифатида кам ўрганилган Муҳаммад Содихўжа Гулшанийнинг "Таърихи Ҳумоюн" асари Ҳузор (ўзур) беклигининг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, итисодий ва этномаданий ҳолатини ёритадиган муҳим маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиб, улар асосида ушбу беклик тарихининг бугунгача



мавҳум бўлиб олаётган жиҳатларини ёритиш мумкин. Асарда келтирилган маълумотлар бу ернинг табиати, илими, таши савдоси ва ҳоказо каби масалалар бўйича ҳам бирламчи материаллар сифатида алоҳида ўрганилишни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. Бачоптайёрқунанда, мураттиб ва сарсухан Чурабек Нарзиев. – Душанбе, 2006
2. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 95.
3. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 99.
4. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 102.
5. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 298-299.
6. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. Қўлёзма исми, Б-122.
7. Нафасов Т. Қашадарё ишлономаси. – Т.: Муҳаррир, 2009. – Б. 56.
8. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 100.
9. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 100.
10. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 102.
11. Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о термине "92 узбекских племени" в контексте исторических связей тюркских народов // Global-Turk. – No. 4. – Astana: International Turkic Academy, 2014. – С. 137-147.
12. Усмонов В. Жанубий Ўзбекистон ўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. – Б. 17-18
13. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 102.
14. Муҳаммад Содихочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. Қўлёзма исми, Б-122
15. Нафасов Т. Қашадарё ишлономаси. – Б. 352.
16. "Таърихи Гулшанийда "қуҳи танг" ибораси учраб, асар ношири уни "Тан тоғи" ёки "Танг тоғи" деб нотўғри ўттирган. Аслида Туркманистон ва Сурхондарё орасида Қуҳитанг тоғи мавжуд бўлиб, шу тоғ ҳаида сўз боради.
17. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.). С. 40, 298-299.
18. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001.



19. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 100.
20. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 101.
21. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 101.
22. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 101
23. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 102.
24. Муҳаммад Содихочаи Гулшан?. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 102.

Аннотация: Муҳаммад Содихўжа Гулшаний ўзининг 1909 йилда ёзган "Таърихи Ҳумоюн" асарида Бухоро амирлигидаги Хузор (ўззор) беклигининг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, итисодий ва этномаданий ҳолатини ёритадиган муҳим маълумотлар акс эттирилган. Маолада Хузор (ўззор) беклиги тарихининг бугунгача мавҳум бўлиб олаётган жиҳатлари шу асар орали ёритилган маълумотлари келтирилган, таҳлил илинган, истиболли маълумотлар муҳокама илинган.

Annotation: Muhammad Sadiqkhoja Gulshani's work "History of Humayun" written in 1909 contains important information that illuminates the socio-political, economic and ethno-cultural situation of Khusar (Guzor) province of Bukhara Emirate in the early 20th century. In the article, the aspects of the history of the Khusar (Guzor) principality, which remain abstract until today, are presented, analyzed and prospective information is discussed.